БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9- ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 47 (2080).

7 МАРТ ЧОРШАНБА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 тийин.

Мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш вазифасини ҳал қилиш билан биз экономикани ривожлантиришда асосий марралардан бирини эгаллаймиз, партиямизнинг Программасини амалга ошириш учун курашда тарихий ғалабага эришамиз. Бу ғалаба коммунизм тантанаси учун курашда халқларни руҳлантираётган марксизм-ленинизм таълимотининг янги ғалабаси бўлади.

МОСКВА, 5 март. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумни очмоқда.

В. Егоров фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1962 йил 6 мартда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленумда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги доклади муҳокама қилина бошланди.

Эрталабки мажлисда Г. И. Воронов (КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюроси Раисининг биринчи ўринбосари), Н. В. Подгорний (Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Ш. Р. Рашидов (Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Д. А. Кунаев (Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), И. В. Спиридонов (КПСС Ленинград обкомининг биринчи секретари), Ф. А. Сурганов (Белоруссия КП Марказий Комитетининг секретари), В. Ю. Охундов (Озарбайжон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Ж. Расулов (Тожикистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда М. А. Ольшанский (СССР Қишлоқ хўжалик министри), И. И. Бодюл (Молдавия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Я. Н. Заробян (Арманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Т. Усубалиев (Қирғизистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), А. Я. Пельше (Латвия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), А. Ю. Снечкус (Литва КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Б. Овезов (Туркманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Т. И. Соколов (Қозоғистон КП Қўриқ ўлка комитетининг биринчи секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 6 март. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» ҳақидаги докладини муҳокама қилиш бошланди.

Докладда деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги етилган масалалар ўртага қўйилди, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол чуқур анализ қилиб берилди. Бу эса Пленум қатнашчиларининг қизғин фикр олишувларига сабаб бўлди.. Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада кучли суратда юксалтириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир. Бу фикр нотиқларнинг нутқларида яққол ўз ифодасини топмоқда.

КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг биринчи ўринбосари **Г. И. Воронов** сўзга чиқади. Саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини муттасил оширишга доир муҳим масалаларни ҳар тарафлама қараб чиқиш ва ҳал қилиш учун Марказий Комитетнинг Пленумларини мунтазам равишда чақириб туриш, дейди нотиқ, партиямизда қонун бўлиб қолди. Бу эса халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг ленинча принциплари амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Экономикамизни янада юксалтириш йўлларини сўнгги йилларда бир неча марта муҳокама қилган Марказий Комитетнинг ҳамма Пленумлари партия учун, халқ учун, коммунизм иши учун чинакам тарихий аҳамиятга эга бўлди. Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми ҳам айниқса жуда катта роль ўйнайди, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Колхоз ва совхозларни бошқаришда шу чоққача жиддий камчиликлар мавжуд бўлганлигини, деб давом этади Ўртоқ Воронов, бошқа қардош республикаларнинг мисолида бўлгани каби, Россия Федерацияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Раҳбар ташкилотлар кўп. Министрликлар ҳам, бошқармалар ҳам, трестларнинг кенг шохобчаси ҳам мавжуддир. Аммо ана шу ташкилотлардан қайси бирини республика колхоз ва совхозларидаги ишларнинг аҳволи учун шахсан масъул дейиш мумкин? Бундай ташкилот йўқ.

Қишлоқ хўжалигини бошқарувчи органларимиз фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланиш ўрнига, нуқул қоғозбозлик билан шуғулланиб келмоқдалар. Н. С. Хрушчев «Қишлоқ хўжалигини бошқариш органларини тузиш керак, бу органлар планлаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишлари билан шуғулланадиган бўлсинлар ҳамда ҳар бир колхоз ва совхоздаги ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишига таъсир ўтказадиган бўлсинлар», деб тўғри гапираяпти.

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ва Республика Министрлар Совети ана шу фикрларга асосланиб, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари билан биргаликда Россия Федерациясида қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги структурасини ишлаб чиқдилар. Ана шу янги системанинг асосий звенолари қуйидагилардан иборат бўлади:

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи районлараро колхоз-совхоз ёки совхоз-колхоз бошқармалари. (Россия Федерациясида 382 та ана шундай бошқарма ташкил этиш мўлжалланмоқда);

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи область ва ўлка бошқармалари (автоном республикаларда министрликлар);

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи республика министрлиги.

Бизнинг фикримизча, бундай структура қишлоқ хўжалигининг ривожланишидаги янги босқичга тамомила мос бўлиб тушади, раҳбарликни жойларга яқинлаштиради, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ишнинг кўзини жуда яхши билган ҳолда конкрет ва оператив бошқаришга имкон беради.

Районлараро колхоз-совхоз ёки совхоз-колхоз бошқармаси асосий звено бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифалар шу органда марказлаштирилади. Иқтисодий ва табиий хусусиятларига қараб 5—10 район учун битта ана шундай бошқарма ташкил қилинади. Ҳар қайси бошқарманинг штатларида ташкилотчи инспекторлар бўлиши кўзда тутилади.

Бошқарманинг кенгаши бўлади. Бу эса қишлоқда турмушни янада демократлаштириш ишига, кенг оммани ишлаб чиқаришни бошқариш учун жалб этишга хизмат қилади.

Биз, дейди ўртоқ Воронов, республиканинг турли зоналаридаги кўпгина партия ва совет ходимлари, колхоз раислари ва совхоз директорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан маслаҳатлашиб кўрсак, уларнинг аксарияти районлараро бошқармалар тузишни ёқлаб, фикр билдирди.

Районлараро бошқармаларнинг ташкил қилиниши район партия комитетларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги роли ва масъулиятини камситмайди, бунинг аксича оширади. Район партия комитетлари райондаги хўжалик ва маданий турмушнинг ҳамма томонларига сиёсий раҳбарлик қилиш органлари бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Район партия комитетлари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ўрганиш, ҳар қайси хўжаликнинг экономикасини юксалтиришга тааллуқли бўлган масалаларни тағин ҳам оперативроқ, тағин ҳам тўғрироқ ҳал қилиш имконнятига эга бўладилар.

Ҳар қандай бошқа тармоқда бўлгани каби, деб давом этади нотиқ, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ҳам аввало партия раҳбарлигининг савиясига, партия ва ҳукумат қарорларининг ижроси устидан контроллик нечоғлик йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Мана шунинг учун районлараро бошқарманинг ҳар бирида КПСС область, ўлка комитетининг партия ташкилотчиси ва унинг иккиучта инструктори бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш қайта қурилаётганлиги муносабати билан бизнинг фикримизча, баъзибир бошқа ташкилий масалаларни ҳам қараб чиқмоқ керак. Масалан, «Советская Россия» газетасида яқинда район газеталари ўрнига районлараро газеталар ташкил қилинсин: бу газеталар область партия комитетларининг органлари бўлсин деган таклиф айтилди. Ўйлаймизки, бу— тўғри таклифдир. Шундай қилинса маҳаллий матбуотда илғор тажрибаларни чуқурроқ ёритиш, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги камчиликларни қаттиқроқ танқид қилиш имконияти туғилади.

Ўртоқ Воронов Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қиладиган комитетлар тузиш ҳақидаги таклифини қувватлайди ва бу комитетларнинг структураси тахминан қандай бўлишини гапиради.

Қишлоқ хўжалиги комитетлари областлар, ўлкалар, автоном республикаларда ҳам тузилади. Бу комитетларга область ва ўлка партия комитетларининг биринчи секретарлари бошчилик қиладилар.

Нотиқ партия органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш, бу органларнинг ташкилотчилик ишини кучайтириш масалаларига тўхталиб ўтади. У, ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги давлат планлари бажарилмай қолганлиги сабабли Н. С. Хрушчевнинг докладида Россия Федерацияси шаънига айтилган танқидни тўғри деб эътироф этади, ерлардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб ўтади.

Зона кенгашларидан кейин барча колхоз ва совхозларда ҳар гектар ердан интенсив фойдаланишнинг конкрет тадбирлари белгиланди. Россия Федерациясида дон экинлари, маккажўхори, қандлавлаги ва дуккакли дон экинлари экиладиган майдонлар шу йилнинг ўзидаёқ анча кенгайтирилади. Деҳқончиликнинг чопиқ қилинадиган экинлардан иборат системаси Россия далаларида кенг жорий этилади.

Тоза шудгорларни, кўпйиллик ва бирйиллиқ ўтлар ҳамда сули экишни камайтириш, янги ерларни очиш шу йилнинг ўзидаёқ ҳосили йиғиштириб олинадиган дон экинлари майдонини 7,5 миллион гектар, шу жумладан донли етилтириб олинадиган маккажўхори майдонларини 1,2 миллион ва дуккакли дон экинлари майдонини 2,2 миллион гектар кўпайтиришга имкон беради. Бироқ ердан фойдаланишнинг прогрессив системасини қўлланиш билан бирга деҳқончилик маданиятини оширмоқ керак. Мана шунинг учун ҳозир ҳамма ўлка, область ва автоном республикаларда кўкламги экишга тайёргарлик янгича асосда олиб борилмоқда — кадрларга меҳнатнинг илғор методларини ёппасига ўргатиш ташкил қилинди, техника ва уруғликлар пухта ҳозирлаб қўйилмоқда, далаларга кўплаб маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

Ўртоқ Воронов чопиқ қилинадиган экинларни етиштиришни механизациялаш вазифаларига тўхталиб ўтади, дон хўжалигини юксалтириш перспективалари ҳақида гапиради. Биз, деб таъкидлайди у, шу йилнинг ўзидаёқ яллиг дон ҳосилини 6,2 миллиард пудга етказиш имкониятга эгамиз. Шундай қилиб, республика етти йиллик топшириқларида кўзда тутилган даражага 1962 йилда етиши мумкин.

Ўртоқ Воронов ўз нутқининг талайгина қисмини чорвачиликни ривожлантириш масалаларига бағишлайди. Қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш соҳасидаги ишимиз, дейди ўртоқ Воронов, ҳозир ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Гап моддий ишлаб чиқаришнинг шундай бир тармоғини ривожлантириш ҳақида бормоқдаки, халқнинг фаровонлиги шу тармоқнинг муваффақиятларига, коммунистик мўл-кўлчилик яратишга бевосита боғлиқдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, мазкур Пленум қабул қиладиган қарорлар қишлоқ хўжалигимизни жадал суръатлар билан ривожлантиришда тарихий роль ўйнайди, колхоз ва совхозларда мавжуд бўлган ҳамма резервларни ишга солишга ёрдамлашади, халқнинг ижодий ташаббускорлиги ва ғайратига янги майдон очиб беради.

Шундан сўнг Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Н. В. Подгорнийга** сўз берилади.

Украина коммунистлари ва барча меҳнаткашлари, дейди у, КПСС тарихий XXII съездининг қарорларини, партия Программасини яқдиллик билан маъқуллаб, бу ҳужжатларни амалга ошириш учун курашга актив киришдилар. Оммаларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги тобора қудратли куч бўлиб, коммунизм қурилишидаги янги муваффақиятларнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб бормоқда. Экономика, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, халқ турмушининг моддий даражасини оширишда мамлакатимиз эришган муваффақиятлар яхши маълум бўлиб, буни ҳамма эътироф этмоқда. Коммунистик қурилиш манфаатлари халқ хўжалигининг барча тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини янада оширишни қатъият билан тақозо этмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ҳали давр талабларидан орқада қолиб кетмоқда.

Социалистик экономиканинг ана шу жуда муҳим тармоғида юз бераётган процесслар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида чуқур анализ қилинди, партиянинг амалий фаолияти учун бениҳоя зўр аҳамиятга эга бўлган сиёсий умумлашмалар ва хулосалар чиқариб берилди. Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида белгиланган тадбирлар, деди сўнгра ўртоқ Подгорний, қишлоқ хўжалигини мамлакатнинг ҳозирги эҳтиёжлари даражасига кўтариб, кучли суратда юксалтириш учун жуда катта, меҳнатли, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Украина меҳнаткашлари дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда баъзи бир муваффақиятларга эришдилар. Бироқ, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини танқидий кўз билан анализ қилиб кўрсак, шу нарса аён бўлмоқдаки, биз бу тармоқда мавжуд бўлган катта-катта имкониятлар ва резервлардан ҳали тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Республикада чорвачлик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш суръатлари қониқарсиз аҳволдадир. Бу суръатлар етти йиллик планда белгиланган топшириқлардан паст бўлмоқда.

Украинада ҳали ҳам кўпгина колхоз ва совхозлар борки, улар бир неча йилларда буён сурункасига судралиб, ишлаб чиқариш планларини ва давлат олдидаги мажбуриятларини бажармасдан келмоқда. Бунинг сабаби аввало хўжалик раҳбарларининг қониқарсиз ишлаётганлигидадир. Лекин колхоз ва совхозлардаги ишларнинг муваффақияти уларнинг фаолиятини район, область, республика ва иттифоқ органлари нечоғлик бошқараётганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги маълумдир.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни тамомила яхшилаш ҳақида ушбу Пленум муҳокамасига ҳавола қилинган таклифлар ўз вақтида киритилган зарур амалий таклифлардир. Украина Компартияси Марказий Комитети ушбу Пленумдаги докладда баён қилинган таклифлар ва хулосаларга батамом қўшилади ва уларни қувватлайди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз докладида айтиб ўтганидек, деҳқончиликнинг ўт-далали системаси Украинада кенг татбиқ этилгани йўқ. Бунда аввало Никита Сергеевичнинг ўзи катта роль ўйнади, Никита Сергеевич узоқ вақт мобайнида Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаб, партия ташкилотининг фаолиятини деҳқончиликдаги прогрессив усулларни жорий қилишга йўналтириб турди. Шунга қарамай, ўт-далали система тарафдорлари бир қатор колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига маълум даражада таъсир кўрсатдилар.

Экин майдонларининг структураси қайта қараб чиқилгандан сўнг кузги буғдой, қуруқ дон олиш учун маккажўхори ва дуккакли дон экинлари қарийб 15 миллион гектар ерга ёки барча турдаги дон экинлари экиш учун ажратилган майдоннинг 84 процентига эгилади. Кузги буғдойнинг бир қисми қайта экилиши мумкинлигини ҳисобга олганда, тахминан 10 миллион гектарга дон ва силос олиш учун маккажўхори экилади. Қарийб 5,5 миллион гектар ерга, яъни ўтган йилдагидан деярли икки баравар кўп майдонга силос олиш мақсадида маккажўхори экиш мўлжалланмоқда. Бу эса чорвачилик эҳтиёжини тўлиқ таъминлашга имкон беради. 1,9 миллион гектар ерга ёки ўтган йилдагидан икки баравар кўп майдонга дуккакли дон экинлари аралаштириб экилади. 2,2 миллион гектарга қанд лавлаги экиш мўлжалланади. Тоза шудгорлар қурғоқчил районлардагина сақланиб қолади. Тоза шудгорлар ишланаётган ерларнинг бир процентини ҳам ташкил қилмайди.

Украина хўжаликлари экин майдонлари структурасини яхшилаб, ҳосилдорликни янада оширишга ҳаракат қилиб, бу йил тахминан 2 миллиард 300 миллион пуд дон, шу жумладан, бир миллиард пуддан кўпроқ маккажўхори, қарийб 190 миллион пуд дуккакли дон ҳосили, тахминан 200—250 миллион пуд гречиха, тариқ ва бошқа хил дон олишни мўлжалламоқдалар.

Чорвачиликнинг орқада қолаётганлиги докладда қаттиқ танқид қилинганлиги жуда тўғридир. Республикада ем-хашак етиштиришни кўпайтириш йўлида кўрилган тадбирлар шу йилнинг ўзидаёқ қайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 43 центнер ва қишлоқ хўжалигида бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 9 центнер гўшт етиштиришга имкон беради.

Чўчқачиликни ва паррандачиликни янада ривожлантириш йўли билан гўшт етиштириш суръатларининг тез бўлишини таъминлаш мумкин. Ҳайдаладиган ҳар икки гектар ер ҳисобига юз килограммгача вазндаги битта чўчқани семиритириб, давлатга сотиш, шундан кейинги иккиуч йил ичида эса ҳайдаладиган ҳар гектар ер ҳисобига битта чўчқани етилтириб, давлатга сотиш мўлжалланмоқда. Ўтган йилдагидан тахминан 1,2 баравар кўп, яъни қишлоқ хўжалигидаги ҳар юз гектар ер ҳисобига 259 центнер сут етиштирилмоғи керак.

Нотиқ колхозларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш зарурлигига тўхталиб, СССР Госпланини танқид қилди. СССР Госплани Украина химия саноатининг ишлаб чиқариш қувватларидан, чунончи, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун тўлароқ фойдаланиш масаласини бир неча йилдан буён ҳал қилиб бермаётир.

Украина колхоз ва совхозлари, деди ўртоқ Подгорний, экишга ва кўкламги бошқа дала ишларига аввалгидан яхшироқ ҳозирлик кўриб қўйдилар.

Ўртоқ Подгорний қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш ҳақида гапириб, Украинанинг партия ва совет активи қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида Марказий Комитет Президиуми белгилаган тадбирларни яқдиллик билан маъқуллаётганлигини, ва қувватлаётганлигини, деди.

Биз шу нарсага чуқур аминмизки, деб таъкидлайди нотиқ, Пленум қишлоқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ишлаб чиққан тадбирларни батамом маъқуллайди.

(ДАВОМИ БОР)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумининг мажлислар залида.

В. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

Жавоҳарлал Неруга, Гамол Абдил Носирга, Жоао Гулартга ва Танкредо Невесга юборган

МАКТУБЛАРИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг ишини давлатлар ёки ҳукуматлар бошлиқлари иштирокида бошлаш тўғрисида Совет ҳукуматининг таклифига Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Нерунинг жавоби муносабати билан унга мактуб юборди.

Жавоҳарлал Нерунинг мактубидан маълум бўлишича, у ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитет зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда энг масъул давлат арбоблари бевосита иштирок этишлари лозим деб ҳисоблаганлиги муносабати билан Н. С. Хрушчев мамнун бўлганлигини билдиради.

Мен, 18лар комитетида қуролсизланишга доир масалалар юзасидан музокараларни энг кўп ваколатларга эга бўлган ва ўз халқларининг энг кўп ишончини қозонган энг юксак мавқедаги раҳбар давлат арболари иштирокида бошлаш ҳақидаги таклиф билан мурожаат этганимда, деб ёзади Н. С. Хрушчев, комитет иши бошданок амалий йўлга солиб юборилишини ҳамда музокараларнинг навбатдаги бошқа берк кўчага кириб қолиши хавфининг олдини олишни таъминлаш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришга интилиб иш кўрган эдим.

Қуролсизланишга доир бўладиган музокараларнинг гоят катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларимизга Сизнинг қўшилганлигингиздан хурсандман. Сиз ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш инсониятнинг келажаги учун энг муҳим ҳаётий проблема деб ҳаққоний ҳисоблайсиз. Совет ҳукумати, деб таъкидлайди сўнгра Н. С. Хрушчев, тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг ана шу буюк мақсадни амалга ошириш йўлидаги умумий кучгайратига Ҳиндистон ҳукуматининг қўшаётган ҳиссасини қадрлайди.

Сизнинг жавоб мактубингизда қуролсизланишга доир музокараларда шахсан иштирок этишга берган розилигингиз. деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев, ҳозирги вақтда ҳам бизнинг фикрларимиз бир томонга қаратилганлигига бўлган ишончимни тасдиқлайди.

Жавоҳарлал Нерунинг ҳозирги вақтда парламент сайловлари бўлаётганлиги, парламент сессиясининг бўлиши ва Ҳиндистон янги ҳукуматининг тузилажагини назарга олиб, апрель ойининг охиридан олдин Ҳиндистондан жўнаб кетиш ўзи учун жуда қийин бўлиши ҳақидаги сўзларига тўхталиб , Н. С. Хрушчев қуйидагиларни ёзади:

«Сизни ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Сизнинг ўз мамлакатингиз ички ҳаётига доир катта проблемалар ҳақидаги ғамхўрлигингиз ва бу проблемалар ҳал этилган вақтда Ҳиндистонда бўлиш истагингиз бизга тушунарлидир»

* * *

Жавоҳарлал Неру Совет ҳукуматининг таклифига берган ўз жавобида ҳукуматлар бошлиқлари комитет ишига катта ва муттасил эътибор беришлари лозим. деган фикрга тамомила қўшилганлигини таъкидлайди. Ҳукуматлар бошлиқларининг учрашуви комитет ишини позитив ва муайян мақсадга қаратилган йўлга тушириб юбориши мумкин.

* * *

Совет ҳукуматининг қуролсизланиш билан шуғулланувчи 18лар комитети ишини ҳукумат ва давлат бошлиқлари иштироки билан энг юксак доирада бошлаш ҳақидаги таклифига Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамол Абдил Носирнинг, Бразилия президенти Жоао Гуларт ва Бразилия бош министри Танкредо Невеснинг берган жавоблари муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев уларга мактублар юборди.

* * *

Н. С. Хрушчев Гамол Абдил Носирга юборган мактубида Совет ҳукуматининг таклифига тинчлик ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган амалий жавоб қайтарганлиги учун президентга ташаккур билдиради. Бирлашган Араб Республикаси президентининг қуролсизланиш сингари ҳаётий муҳим проблеманинг ҳал қилиниши ядро даври бошлангандан буён нужудга келган даҳшатли хатарни тугатишга ҳамда ҳозир эўр бериб қуролланиш жараёнида йўқ бўлиб кетаётган жуда катта моддий маблағларни яратувчилик мақсадлари учун бўшатиб олишга имкон берган бўлур эди, деган фикрига Н. С. Хрушчев тамомила қўшилади.

Совет ҳукуматининг бошлиғи таъкидлайдики. Бирлашган Араб Республикаси президентининг 18лар комитетидаги музокараларни энг юксак доирада олиб боришда шахсан иштирок этишни ўз бурчим деб биламан, деган сўзлари—Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумати ва халқи тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган умумий куч-гайратларига муносиб ҳисса қўшишга аввалгидек тайёр турганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Н. С. Хрушчев Бирлашган Араб Республикаси ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келиш учун ёрдам бериш ниятида 18 лар комитетида ҳам ҳамма чораларни кўради, деб ишонч билдиради.

* * *

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир жаноблари Н. С. Хрушчевга юборган мактубида Совет ҳукуматининг таклифини амалий ва фойдали таклиф, деб атайди. Бирлашган Араб Республикасининг президенти 18 лар комитетидаги музокараларни энг юксак доирада олиб боришда шахсан иштирок этишни ўз бурчим деб биламан, бу бурчимни сира иккиланмасдан адо этаман, деб ёзади.

* * *

Н. С. Хрушчев Бразилиянинг раҳбар арболарига юборган мактубида шу нарсани қайд қиладики, Совет ҳукумати ўтмишда кўп йиллар мобайнида олиб борилган, лекин ҳеч қандай натижа бермаган қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларни ниҳоят, амалда илгари силжитишни таъминлаш иштиёқи билан ўз таклифини ўртага қўйган эди. Чунки, дейилади мактубда, энг кенг кўламда ваколатларга эга бўлган ҳамда ўз халқларининг энг кўп ишончига эга бўлган кишиларгина қуролсизланиш проблемасини қотиб турган нуқтасидан жилдириш ва ҳал қилишга қодирлиги аён кўриниб турган нарсадир.

СССР Министрлар Советининг Раиси Бразилия раҳбарларининг қуролсизланиш замонамизд а г и энг катта проблемалардан биридир, қуролсизланишнинг амалга оширилиши ҳозирги вақтда зўр бериб қуролланишга сарф бўлиб кетаётган кредитлар ва бюджет ресурсларини иқтисодий тараққиёт соҳасига йўллаш имконини беради, деган сўзларига қўшилганлигини билдиради.

Бразилия давлат арболарининг Бразилия ҳукумати 18 лар комитетининг ишини бошлаш вақтида музокараларни энг юксак доирада олиб боришдан кўра музокараларни бошқа, пастроқ доирада олиб боришга мойилдир, деган фикрига тўхталиб, Совет ҳукуматининг бошлиғи бундай деб таъкидлайди: тажриба шуни кўрсатдики, энг юксак доирадаги ва мавқедаги давлат арболари бевосита иштирок этмасдан туриб, қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишда амалий силжишлар бўлишига кўз тутиш амри маҳолдир. Энг юксак мартабадаги давлат раҳбар арболарининг қуролсизланишга бағишланган музокараларда ва айниқса 18 лар комитети ишининг авжи бошланиш пайтида шахсан иштирок этишлари, деб ёзади Н. С. Хрушчев, қуролсизланиш масаласини ҳал қилишнинг энг умидбахш йўлидир.

* * *

Бразилия президенти ва бош министри Совет ҳукуматининг таклифига берган жавобларида қуролсизланишни энг йирик проблемалардан бири деб атайдилар. Айни маҳалда, деб таъкидланади жавобда, Бразилия ҳукумати шу йил мартда очиладиган кенгаш қуролсизланиш билан шуғулланувчи комитетда аъзо бўлган 18 давлат ташқи ишлар министрларининг иштироки билан бошлашни афзал деб ҳисоблайди. (ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ— КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

КПСС Марказий Комитети Пленуми материаллари областимиз меҳнаткашларини янги зафарларга руҳлантирмоқда

Партия ташкилотлари секретарларининг семинари

Областдаги олий ўқув юртлари ва техникумлар партия ташкилотлари секретарларининг Тошкент область партия комитети томонидан чақирилган уч кунлик семинари ўз ишини тамомлади.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги тарих институтининг директори М. Ғ. Воҳобовнинг «Коммунизм қурилиши даврида миллий муносабатларнинг ривожланиши», Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари А. В. Шербаковнинг «КПСС XXII съезднинг қарорлари муносабати билан республика халқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари», область партия комитети партия органлари бўлимининг мудири П. В. Костриковнинг «КПСС цинг янги Устави—коммунистик партиянинг қудратли ташкилий қуролидир», И. В. Голубевнинг халқаро аҳвол ҳақидаги докладларини тингладилар.

«Ўзбекистон ССРдаги олий ўқув юртларида ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш», «Ижтимоий фанларни ўқитишнинг яхшилашда олий ўқув юртлари ва техникумлардаги партия ташкилотларининг роли» ҳақида Ўзбекистон ССР олий ва ўрта маҳсус таълим министрининг ўринбосари С. А. Сигов ва Тошкент шаҳар партия комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг мудири Д. В. Сергеева ўртоқлар доклад қилдилар.

Студентларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари тўғрисида Чирчиқ электрохимия комбинати партия комитетининг секретари С. А. Аҳмедов сўзлади. Тошкент давлат медицина институти партия ташкилотининг секретари Ш. С. Саидов, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми партия ташкилотининг секретари Х. Одилов, Тошкент ирригация инженерлари институти партия ташкилотининг секретари П. Х. Биков ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб студентлар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳақида мазмунли гапирдилар.

Семинарда ижтимоий фанларни ўқитиш ва бу иш устидан партия контроллигини кучайтириш зарурлиги масаласига катта аҳамият берилди.

Область партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Р. Мусахонова семинар ишига якун ясади.

Семинар ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, область партия комитетининг секретарлари С. М. Веселов ва А. М. Илюхин ўртоқлар қатнашдилар.

ВЦСПС Президиумида

МОСКВАЛИКЛАР БИЛАН ЛЕНИНГРАДЛИКЛАРНИНГ ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

МОСКВА, 6 март. (ТАСС). ВЦСПС Президиуми «Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг етти йиллик тўртинчи йили планини муддатидан олдин, 25 декабрда бажариш мажбуриятини олганликлари илгари хабар қилинган эди. Москва меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш топширигини 20 процент орттириб бажаришга ҳамда буюмларнинг таннархини камайтириш йўли билан камида ўн миллион сўмни тежаб қолишга қарор қилдилар. Москваликлар 13 та саноат корхонасида ҳамда 103 та цех ва участкада ишлаб чиқариш процесларини комплекс механизациялаш ва автоматлашни ўзларига вазифа қилиб қўйдилар. Шунингдек буюмларнинг 1500 дан кўпроқ мукаммал хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 1100 турдаги буюмларнинг ишлатиш вақтидаги пишиқлигини ошириш, шу орқали камида йилига 150 миллион сўмни тежаш вазифаси белгиланди. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зардоларни деган номни олиш учун мусобақа тагин ҳам кенг авж олдирилади.

Ленинград корхоналари ва қурилишларининг меҳнаткаш л а р и 1962 йил планини 26 декабрда бажаришга, меҳнат унумдорлигини ошириш топширигини 12 процент ортиғи билан адо этишга, таннархни камайтириш йўли билан камида ўн миллион сўмни тежаб қолишга қарор қилдилар. Ленинградликлар Братск, Воткинск ГЭСларига ҳамда мамлакатнинг ишга туширилиадиган бошқа қурилишларига энг керакли ускуналарни муддатидан олдин етказиб бериш, пландан ташқари қўшимча равишда 25 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Ленинградликлар шунингдек 1962 йилда янги машина ва приборларнинг 750 та нусхасини ишлаб чиқиш ва олдириш соҳасидаги ташаббуси ҳақида» қарор қабул қилди.

Москва меҳнаткашлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин, 25 декабрда бажариш мажбуриятини олганликлари илгари хабар қилинган эди. Москва меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш топширигини 20 процент орттириб бажаришга ҳамда буюмларнинг таннархини камайтириш йўли билан камида ўн миллион сўмни тежаб қолишга қарор қилдилар. Москваликлар 13 та саноат корхонасида ҳамда 103 та цех ва участкада ишлаб чиқариш процесларини комплекс механизациялаш ва автоматлашни ўзларига вазифа қилиб қўйдилар. Шунингдек буюмларнинг 1500 дан кўпроқ мукаммал хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 1100 турдаги буюмларнинг ишлатиш вақтидаги пишиқлигини ошириш, шу орқали камида йилига 150 миллион сўмни тежаш вазифаси белгиланди. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зардоларни деган номни олиш учун мусобақа тагин ҳам кенг авж олдирилади.

Ленинград корхоналари ва қурилишларининг меҳнаткаш л а р и 1962 йил планини 26 декабрда бажаришга, меҳнат унумдорлигини ошириш топширигини 12 процент ортиғи билан адо этишга, таннархни камайтириш йўли билан камида ўн миллион сўмни тежаб қолишга қарор қилдилар. Ленинградликлар Братск, Воткинск ГЭСларига ҳамда мамлакатнинг ишга туширилиадиган бошқа қурилишларига энг керакли ускуналарни муддатидан олдин етказиб бериш, пландан ташқари қўшимча равишда 25 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Ленинградликлар шунингдек 1962 йилда янги машина ва приборларнинг 750 та нусхасини ишлаб чиқиш ва тайёрлаб бериш, ускуналарнинг яна ҳам пишиқ ва узоққа чидайдиган бўлишини таъминловчи тадбирларни амалга ошириш, 400 та поток ва конвейер линияларни фойдаланишга топириш ва шу каби ишларни амалга ошириш учун курашмоқдалар. Ленин шаҳрининг меҳнаткашлари 35000 тоннадан кўпроқ ғоя ва рангли металлга, 150 миллион киловатт-соат электр қувватини тежаб қолишни, йилига 65 миллион сўм тежам берадиган камида 135 минг та рационализаторлик таклифини жорий қилишни мўлжалламоқдалар.

Киев, Луганск, Горький, Свердловск ва мамлакатдаги бошқа иқтисодий районларга қарашли корхона ва қурилишларнинг ишчи ва хизматчилари йиллик планни муддатидан олдин бажариш ҳамда ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар.

ВЦСПС Президиуми Москва, Ленинград ва бошқа иқтисодий районлардаги корхона ва қурилишлар коллективларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб, касаба союзлари Советларига, республика, область, фабрика-завод ва маҳаллий касаба союз комитетларига Москва, Ленинград ва бошқа иқтисодий районларнинг меҳнаткашлари бошлаган ташаббусни қувватлашни, 1962 йилги планни муддатидан олдин бажариш учун мусобақанинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ишчи ва хизматчиларга кенг кўламда тушунтиришни таклиф қилди. Қарорда касаба союз органларининг ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни айирбошлашни уюштириш, олинган мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам текшириб туриш ҳамда ҳар қайси цех ва участка, корхона ва қурилиш коллективининг муваффақиятли ишлаши учун шарт-шароитлар яратиб бериш соҳасидаги вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Узбекистон ССР Министрлар Совети 1962 йилги пул-буюм лотереясининг Олмалиқда бўладиган биринчи ютуқлар тиражини 1962 йил 17 мартдан 24 мартга кўчиришга қарор қилди.

Кўплаб машиналар ишлаб чиқарамиз

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилганлиги ҳақидаги хушхабар бир зумда бутун корхонамизга ёйилди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларимиз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу Пленумда қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш ҳақидаги мазмунли докладини зўр қизиқиш билан ўқишга киришдилар. Қадрдон Никита Сергеевич Хрушчев қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга боғлиқ деб таъкидлаган Бу корхонамиз коллективи зиммасига ҳам катта-катта вазифалар юклайди. Чунки бизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари пахтачиликни ривожлантириш ва уни комплекс механизациялашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам барча цехларда етти йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари бажариш, бу йил топширикда белгиланган машиналарни ишлаб чиқариш юзасидан социалистик мусобақа янада қизиб кетди. Ўтган икки ой мобайнида коллективимиз мамлакатимиз пахтакорларига чигитни уяларга белгиланган миқдорда экадиган 1172 та сеялка жўнатди. Бу ана шу икки ой учун белгиланган пландагидан анча ортиқ. Бундан ташқари жуда кўп миқдорда сеялкалар учун ишлатиладиган мосламалар, юзларча минг сўмлик запас қисмлар тайёрладик.

Ҳ. ҚАЮМОВ,
«Узбексельмаш» заводининг прессловчиси.

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

Партиямиз қишлоқ хўжалигига тўғри раҳбарлик қилиш принципини доимо олга суриб келди. Кечагина ўз ишини бошлаган КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида ҳам асосий масала қилиб қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билиб, тўғри раҳбарлик қилиш масаласи қўйилди. Бригадамизда жуда кўп яхши кадрлар бор. Улар ўз ақлу-заковатлари билан, ўз билимлари ва тажрибалари билан пахтадан юқори ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Ўтган йили бригадамиз пахтакорлари ҳар гектар ердан 37 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтардилар. Республика қишлоқ хўжалик ходимларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида 40—45 центнерчилар ҳаракати бошлаб юборилди. Шундан сўнг бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам 155 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан кам деганда 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бердилар.

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаб берадиган юксак вазифаларни амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, кўзлаган мақсадимизни албатта қўлга киритамиз.

О. ТУРАЕВ,
3.«Боёвут» совхозининг бригада бошлиғи.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг дастлабки ҳужжатлариёқ бригадамиз аъзоларини пахта ҳосилдорлигини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирди. Ўтган йили бригадамиз анча нобоп янги ерларни ишга солиб, бригада бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта ҳосили етиштирган эди.

Бизнинг кўп йиллардан бери пахтадан мўл ҳосил етиштириб келаётганлигимиз ҳаммага маълум. Бироқ 1961 йилги 30 центнер бизнинг руҳимизни сал тушириб қўйди. Бунинг сабаби шуки, кейинги йилларда бизнинг шароитимизда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик соҳасида кўп камчиликларга йўл қўйилди. Зовурлар узоқ йиллар тозаланмади, янгилари қазилмади. Кадрлар танлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Кўп ерларни шўр босиб кетиб, ҳосилдорлик кескин камайди.

Март Пленуми арафасида биз ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, уни тўйдириш соҳасида анча ишларни қилдик. Ариқ зовурларни тозаладик, ерни текислаб далага гўнг чиқардик. Шу қилинган ишларга асосланиб туриб, бу йил ҳар гектар ердан камида 40 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилдик. Бу албатта бизнинг биринчи режамиз. Ҳосилдорликнинг чегараси йўқ. Ер қанча яхши семиртирилса, қанча кўп меҳнат сарфланса ҳосил ўшанча кўпаяверади. Колхозимиз аъзолари ўтган йили 1800 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22,45 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Бу йил пахтакорлар 30 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб аҳду-паймон қилишаяпти. Бизнинг бригада пахтадан илгариги йиллардагидек мўл ҳосил етиштириб, колхоз аъзоларининг 30 центнердан «оқ олтин» олиш учун бошланган курашида биринчи сафда боради.

Ғанишер ЮНУСОВ,
Комсомол районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

КАДРЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

Пойтахтимиз Москвада КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очилганлиги ҳақидаги хабар Янгиер шаҳар ва район меҳнаткашларини қувон т и р д и. Доно раҳбаримиз Н. С. Хрушчевнинг Пленумда қилган докладини радиодан эшитган ва газетадан ўқиган янгиерликлар бу доклад бизни янгидан-янги ғалабаларга етакловчи йўл-йўриқ демоқдалар.

Янгиер шаҳар партия ташкилоти колхоз ва совхозларни ишчан, тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлаш масалаларига жиддий аҳамият берабошлади. Кейинги вақтда бригада, участка ва бўлимларнинг бошлиқларини ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида бирмунча ишларни амалга оширди. Бу ўзининг самарали натижасини берди. Ўтган йили районимиз колхозчилари ва совхоз ишчилари фидокорона ишлаб давлатга пахта, чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини муддатидан олдин адо этган эдилар.

Биз етти йилликнинг тўртинчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун ҳозирдан бошлаб кўкламги экишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Пахта майдонларининг ҳаммаси сифатли шудгордан чиқарилди. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонтдан чиқарилиб, экишга тахт қилиб қўйилди. Далага минерал ва маҳаллий ўғитлар ташиб чиқариш жадал суръатлар билан олиб борилянти. Тўнг ташишда 30 та юк машинаси ва 20 та арава ишлаб турибди.

Экипаж аъзоларидан 1289 киши, бригада ва участка бошлиқларидан эса 328 киши 10—15 кунлик курсларда ўқиб чиқдилар. Бир қатор бригада ва бўлим бошлиқлари ишбилармон мутахассислар ҳисобига янгиланди. Шундай қилиб район меҳнаткаштари кўклам экиш компаниясини ками-кўстсиз, уюшқоқлик билан ўтказишга шай бўлиб турмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ меҳнаткашларимизнинг ғайратига-ғайрат бағишламоқда. Шаҳар ва районимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Пленум шарафига янги мажбуриятлар олиб, 1962 йил давлат планларини муваффақият билан бажаришга мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар.

Э. ИСЛОМОВ,
Янгиер шаҳар партия комитетининг секретари.

Гўштни кўпайтирамиз

Фермамизнинг коллективи қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган докладини зўр қувонч билан ўқиб чиқди.

Пленумда кўрилаётган масалалар ичида асосий ўринлардан бирини гўшт етиштиришни кўпайтириш масаласи эгалламоқда. Ҳақиқатан ҳам халққа кўплаб гўшт керак. Кўплаб гўшт етиштириш учун эса ишнинг кўзини билиб фидокорона меҳнат қилиш керак.

Бизнинг фермамизда асосан чўчқа гўшти етиштирилади. Биз чўчқачиликни йил сайин ривожлантираяпмиз. 1960 йилда давлатга 58 тонна чўчқа гўшти сотдик. Ҳар бош она чўчқадан 18 тадан бола олдик.

Бу йил чорвадорларимиз она Ватанга 72 тонна гўшт етказиб беришга қатъий ваъда бердилар. Бу вазифани бажариш учун биз асосий эътиборни мўлкўл озуқа етиштиришга қаратамиз. 90 гектар ерга дон учун маккажўхори, 11 гектар ерга ковоқ ва хашаки лавлаги экамиз. Бу экинларни ўз кучимиз билан парвариш қиламиз.

Фермамиз ўзининг ажойиб кадрларига эга. Ҳозир илгор чўчқабоқаримиз Анатолий Селеверстовнинг бир ўзи 400 та чўчқани бўрдоқига боқаяпти. Унинг касбдошларидан Димитрий Васильевич Ерохин ва Иван Фёдорович Тополев ўртоқлар ҳам ўзларининг самарали меҳнатлари билан бизни беҳад қувонтирмоқдалар. Уларнинг кўрсатаётган фидокорликлари туфайли фермамизда биринчи квартал плани 150 процент қилиб бажарилди. Тез кун ичида бўрдоқига боқиб семиртирган юз бош чўчқамизни гўштга топширамиз.

ПАК АЛЕКСАНДР,
Калинин районидаги Охунбобоев номли колхознинг ферма мудири.

Совет кишилари қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетининг 5 мартда очилган Пленумида қилган докладини зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Суратда: Я н г и й ў л районидаги Свердлов номли колхознинг агрономи (чапдан) ўртоқ Т. Усмонов бир группа пахтакорларга ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладини ўқиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

Чорвадорлар ютуғи

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг март Пленуми ўз ишини давом эт тираётган кунларда областимиздаги илғор хўжаликларнинг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш юзасидан берилган йиллик ва квартал планларини муддатидан анча илгари тўла адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти бермоқдалар.

Оржоникидзе районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Туроб Нормўҳамедов раислик қилаётган Ленин номли колхоз чорвадорларининг ғалабаси айниқса қувончли. Чорвадорлар 1962 йил бошланиши биланоқ партиямиз Марказий Комитетининг март Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун белни маҳкам боғлаб ишга киришган эдилар. Мана энди Пленум ўз ишини давом эттираётган қувончли кунларда гўшт сотиш йиллик плани ортиғи билан бажарилди. Колхоз давлатга ҳаммаси бўлиб 953,6 центнер гўшт етказиб берди.

Колхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаб берган катта ва ҳаётий вазифаларни бажариш йўлида бундан бўён ҳам бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қиладилар.

* * *

Шу қувончли дамларда янги йўллик чорвадорлар ҳам дастлабки ғалабага эришдилар. Районда давлатга гўшт сотиш квартал плани муддатидан бир ой илгари бажарилди. Район чорвадорлари аҳолига 390 тоннадан ортиқ гўшт етказиб бердилар. Бу ғалабани қўлга киритишда райондаги «Ленинизм», Хрушчев номли, Свердлов номли, Карл Маркс номли колхозларнинг чорвадорлари айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Самимий учрашув

Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг Маданият уйида етти юздан ортиқ сайловчи тўпланди. Улар Чиноз сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг трактордалачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова билан учрашиш учун бу ерга келдилар.

Ишончли вакил — Димит р о в номли колхоз раисининг ўринбосари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунқул Маманазаров колхоз ишлаб чиқариши донгдор новаторининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти тўғрисида гапириб берди ва ҳамма сайловчиларни 18 март куни халқнинг содиқ қизи Т. Охунованн ёқлаб овоз беришга чақирди.

Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхознинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи Анифа Альчикова, «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи Любовь Ким ва бошқалар СССР Олий Советига бўладиган сайловларни совет кишилари муносиб нишонлаётганликлари тўғрисида фахрланиб гапирдилар.

Йиғилишда Турсуной Охунова сўзга чиқиб, ўзига кўрсатилган ишонч учун сайловчиларга чин қалбдан ташаккур изҳор қилди. (ЎзТАГ).

ЧУДНАЯ ИЗДОШЛАРИ

Молхонага оқ халат кийган ўрта бўйли, қўй кўзли ёшгина бир рус аёли кириб келди. Бир меёрда ковуш қайтараётган говмуш сигирларни кўздан кечираётган қизлар дарҳол унинг атрофини ўраб олдилар. Бу машҳур сут соғувчи Анастасья Чудная эди. Юзидан табассум аримайдиган бу жувон атрофидагиларга бир назар ташлаб олгач, ўзининг илғор иш тажрибаларидан сўзлай бошлади.

— Жонажон партиямизнинг тарихий XXII съезди,— деди у,— биз чорвадорлар олдига улкан вазифаларни қўйди. Инсониятнинг порлоқ истиқболи бўлган — коммунизм қуришдек олижаноб ишга ўз ҳиссамни қўшаман, деган ҳар бир совет кишиси бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумли меҳнат қилиши керак. Сиз ва бизнинг вазифамиз эса халқимизни гўшт ҳамда сут билан тўла таъминлашдан иборатдир.

Мен ўтган йили 157 бош соғин сигирдан 500 тонна сут соғиб олдим. Бу муваффақият ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Уни қўлга киритишимда механизация асосий ўрин тутган бўлса, сигирларимнинг «феъли-атвори»ни ҳисобга олиб ишлаш ҳам катта ёрдам берди. Соғин сигирларни туққандан кейин оқсил, витамин, минералларга бой концентрат озуқага тўйдириш керак. Бундай қилинганда сигирлардан мўлжалдаги сутни соғиб олишга эришасиз. Соғин сигирларга берладиган озуқа турларини кўпайтириш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Республикамизнинг турли совхоз ва колхозларидан келган ёш сут соғувчилар Оржоникидзе районидаги чорвачилик илмий-текшириш институтининг тажриба базасида ташкил этилган «Сут соғувчиларнинг республика илғор тажриба мактаби»да ўқимоқдалар. Ёшларга Анастасья Чудная каби донгдор сут соғувчилар ўзларининг илғор иш тажрибаларини батафсил гапириб бермоқдалар. Бундан ташқари чорвачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари А. Атбашян, Б. Галочкин, И. Герман каби ўртоқлар чорвачиликка оид суҳбатлар ўтказмоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.

Суратда: Анастасья Чудная (ўртада) касбдошларига ўз тажрибаларини сўзлаб бермоқда. (ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИКНИНГ ОҚСОҚ ТАРМОҒИ БЎЛМАСИН

Ўтган йили кузда пахтакор республикалар вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгашида катта нутқ сўзлаган ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев пахтачиликни янада ривожлантириш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан олинадиган ҳосилни ҳам тобора ошириб бориш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Яқинда бўлиб ўтган республика қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида ҳам бу масала кенг муҳокама қилинди.

Янгийўл районидаги Ленин номли гигант колхоз аъзолари ўтган йили пахтачилик соҳаси бўйича катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Давлат омборига 8218 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу 2855 гектар майдоннинг ҳар гектарига 28,8 центнерданга тўғри келади. Илгор агротехника қоидаларига амал қилиб, техникадан унумли фойдаланган кўпгина бригадаларда ҳосилдорлик 32—34 центнерга етказилди. Ўктам Маҳкамов бошлиқ бригаданинг азамат пахтакорлари 121 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан, кекса пахта устаси Нормирза ота Эшев бошлиқ бригада аъзолари эса 118 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,6 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Колхозда, бундан ҳам мўл ҳосил, яъни камида 8,5 минг тонна пахта йиғиб олиниши мумкин эди. Аммо айрим бригадаларга нўноқ раҳбарлар тайинланганлиги, меҳнат интизоми бўшаштириб юборилганлиги туфайли бор имкониятлар бой бериб қўйилди. Н. Мирзаев, Х. Эшматов ўртоқлар бошчилик қилган бригадалар пландагидан 40—50 тонна кам пахта йиғиб олдилар, ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнердан паст бўлди.

Энг ачинарлиси шундаки, колхозда хўжаликнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор берилмади. Айниқса муҳим ва сердаромад соҳа бўлган чорвачилик оқсаб қолди. Бўрдоқига боқиш, мол тўғрини ўстиришга бефарқ қаралди. Ўтган йилнинг ўзида қаровсизликдан 54 бош қорамол, 214 бош қўй, 85 бош чўчқа, 400 парранда нобуд бўлди. Натижада колхоз давлатга гўшт сотиш планини бажара олмади.

Сут-товар фермасида меҳнат интизомининг бўшлиги, соғувчиларнинг тез-тез алмаштирилиши, З. Абдураҳиқова, Х. Бўрибоева ўртоқлар каби моҳир сут соғувчиларнинг тажрибаси оммалаштирилмаганлиги туфайли сигирлардан сут соғиб олиш ҳам камайиб бормоқда. Чорва маҳсулотини кўпайтиришнинг асосий манбаи бўлган маккажўхори экиш, ундан мўл-кўл дон ва кўкпоя олиш ишлари ҳам кўнгилдагидай бўлмади.

Шаҳар аҳолисига, консерва заводига сабзавот етказиб бериш юзасидан берилган ваъдалар ҳам амалга оширилмади. Пландаги 240 ўрнига атиги 140 гектарга сабзавот экилди-ю, парваришга келганда ўз ҳолига ташлаб қўйилди. О. Раҳимбердиев, Т. Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳатто экилган уруғ миқдорида ҳам ҳосил олинмади.

Пиллачиликдан ҳам колхоз бойлигига катта бойлик қўшилди. Тўғри, колхоз ўтган йили пилла тайёрлаш планини бажарди, лекин ипак қуртини парвариш қилиш даврида айрим бригадаларда ўзибўларчиликка йўл қўйилди, янада кўпроқ ҳосил олиш имкониятидан фойдаланилмади. Тут дарахтлари сонини кўпайтириш, эҳтиёт қилишда ҳам нуқсонлар мавжуд.

Яқинда бўлиб ўтган колхознинг ҳисобот йиғилишида ҳисоб берган правление раиси Н. Авазов, музокарада қатнашган Н. Эшев, Р. Маҳмарасулов, Т. Ниёзова, А. Қурбонов ва бошқа нотиқлар ўтган йил йўл қўйилган жиддий камчиликларни — хўжаликнинг кўпгина тармоқларининг оқсаётгани сабабларини танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар.

Колхоз аъзолари ўтган йилги нуқсонларни тугатиб, пахтачиликни тобора ривожлантириш билан бирга чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликдан ҳам мўлкўл маҳсулот олишга аҳд қилдилар. Улар етти йилликнинг тўртинчи йилида 8700 тонна пахта, 200 тонна гўшт, 700 тонна сут, 14,5 тонна пилла, 13 тонна жун, 90 минг та тухум, кўплаб сабзавот маҳсулотлари етиштириш, кўклам экиш мавсумини бекаму-кўст кутиб олиш учун қизғин ҳаракат бошлаб юбордилар.

Т. НИШОНБОЕВ,
колхоз «Ленинчилар овози» кўп тиражли газетасининг редактори.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» штатсиз бўлимининг мудири.

ҲАМОН ХОТИРЖАМЛИК...

Оққўрғон районидаги «XXII партсъезд» колхози 11 йилдан бери пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмай келади. Ўтган йилги натижалар ҳам жуда ачинарли бўлди. Колхоз бўйича гектар бошига 17 центнердан ҳосил кўтарилди, холос.

Бундай муваффақиятсизликларнинг сабаблари йўқ эмас, албатта. Колхоз раҳбарларининг бепарволиклари туфайли 1960 йил кузида пахта майдонларининг ярми шудгорланмасдан қолиб кетди, ерда нам тўплашга мутлақо эътибор берилмади, далага жуда кам миқдорда маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Бу кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик кўрилаётганда йўл қўйилган камчиликлар эди. Хўжаликда чигит экиш, ғўза парвариши ва пахта терими мавсумларида ҳам кишини ранжитадиган камчиликлар рўй берди.

Бу йил хўжаликда 1365 гектар ерга чигит экилиши лозим. Аммо, чигитни ўз вақтида ва сифатли қилиб экиб олиш учун етарли тараддуд кўрилмаяпти. Янги раис ўртоқ Қодир Сарибоев ҳам, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мусо Мусоқов ҳам, бошқа раҳбарлар ҳам кўкламни шайланган ҳолда кутиб олиш тўғрисида кам қайғирмоқдалар.

Бу фикримизни қуйидаги фактлар тўла исботлайди. Белгиланган план бўйича далага 10875 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиши керак. Ҳали бу планнинг ўндан икки қисми ҳам бажарилгани йўқ. Мавжуд 11.520 кубометр ариқ-зовурнинг ярми ҳам тозаланмаган. Бирор гектар ерга ҳам яхоб суви берилмаган.

Колхоз раҳбарлари бунга ишчи кучларининг етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Ваҳоланки, ишга яроқли 300 колхозчидан 140—145 кишигина дала ишларига қатнашаяпти. Уларнинг ҳаммасини ишга жалб этиш мумкин эмасмиди?

Колхоз техника ремонти жиҳатидан районда охирги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. 10 та трактор, 8 та сеялка, 17 та культиватор, 70 та борона ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳанузгача ремонтдан чиқарилмаган.

Колхоз раҳбарлари бундай хотиржамликка тезда барҳам беришлари лозим.

Ҳ. СУННАТОВ.

ПУХТА ТАРАДДУД

Шу кунларда Чиноз районидаги «Москва» колхозида кўкламги чигит экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Колхоз далаларида бўлсангиз автомашина, прицепли трактор ҳамда от-аравалар билан далага маҳаллий ўғит чиқараётган азамат деҳқонларни кўрасиз. Улар ерни тўйдирсанг элни тўйдиради, деган оқилона гапга амал қилиб, ҳар гектар ерга 8-10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш учун астойдил бел боғлаганлар.

Колхознинг азамат механизаторлари техника деҳқоннинг энг яқин дўсти эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар техникани кўз қорачиғидек сақлаб, ундан унумли фойдаланадилар.

Колхоз пахтакорлари етти йилликнинг тўртинчи йилида 690 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун курашмоқдалар.

А. ШОКИРОВ,
И. УРИНБОЕВ.

ИЛҒОР МОЛБОҚАР

Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг илғор молбоқари Шодулла Сарибоев ўз меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. У ўтган йили 100 дан ортиқ танани боқиб, ҳар қайсисининг оғирлигини 300 килограммгача етказиб гўштга топширган эди. Сарибоев бу йил 110 танани бўрдоқига боқмоқда. Илғор чорвадор ҳар бош тананинг оғирлигини 320 килограммга етказишга аҳд қилган.

Ж. ТУҚСОНБОЕВ.

ЯХШИ ҲОРДИҚ—САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Баракали меҳнатдан сўнг мириқиб дам олганга нима етсин. Ёзилиб хордиқ чиқарса кишиниг чарчоғи йўқолиб, куч-қуввати ортади. Аниқроғи, дам олиш организмнинг ишлаш қобилиятини яхшилайди.

Меҳнат ва дам олиш режимига қанчалик тўла риоя қилинса, киши саломатлиги шунчалик мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир. Шу сабабдан партия ва ҳукуматимиз кишиларнинг яхши ишлари билан бир қаторда кўнгилдагидек дам олишлари ҳақида ҳам доимо ғамхўрлик қилиб келаётирлар, кишиларнинг соғлиғини сақлаш ва ишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида қатор тадбирлар белгиланаётир.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда дам олиш уйлари жуда катта роль ўйнаётганлиги ҳаммага маълум. Шу важдан ишчиларнинг кўпчилиги меҳнат отпускаларини дам олиш уйларида ўтказишни истайди.

Ўтган йили областимиздаги дам олиш даргоҳларида 40 мингдан ортиқ киши ҳордиқ чиқарди. Бироқ, гапнинг сирасини айтганда, бу ҳали етарли эмас. Кўпинча ҳордиқ чиқариш муассасаларида ўринлар етишмаслигидан неча ўнлаб киши меҳнат отпускаларини ноилож ўз уйларида ўтказишга мажбур бўлмоқдалар. Қисқаси, дам олиш уйларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Областимизда эса бор-йўғи 9 та дам олиш уйи ишлаб турибди. Бу, турган гап, пойтахт области аҳолиси учун камлик қилади. Бунинг устига республикамизнинг турли жойларидан бу ерга келиб ҳордиқ чиқариб қайтаётган кишилар оз дейсизми?

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш лозимки, дам олиш уйларининг ҳаммаси ҳам йил ўн икки ой ишламайди. Чунончи, «Бурчмулла», «Сўқоқ», «Обираҳмат» каби йирик дам олиш уйлари ёз мавсумидагина очиқ бўлади.

Хўш, дам олиш уйлари сонини кўпайтириш имкониятлари йўқми? Бор, албатта. Гапни пионер лагерларидан бошлайлик. Айтиш мумкинки, пионер лагерлари ва улардаги ўринлар сони жиҳатидан Ўзбекистон Ўрта Осиё республикалари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Бу соҳада областимиз ҳам етакчи ўрин тутади. Биргина областимизда 41 та лагерь бор. Сир эмаски, уларнинг биронтаси ҳам қишин-ёзин ишламайди. Улар ёзги каникул даврида пионер ва ўқувчиларни ўз бағрига олади. Пилнинг қолган 9 ойи мобайнида лагерлар бўм-бўш ётади. Бу даврда уларни дам олиш уйларига айлантириш мумкин эмасми? Албатта мумкин.

Биринчидан, лагерларни дам олиш уйларига мослаштириш жуда осон. Нега деганда, асосий корпус, ошхоналардан қандай бўлса шундай фойдаланиш мумкин. Инвентар ва бошқа жиҳозлар ҳам етарли. Фақат ошхона ва маданий тадбирлар олиб бориладиган хоналарни қиш мавсумига мослаш лозим, холос.

Бу тадбирнинг иқтисодий фойдаси ҳам катта. Шу йўл билан дам олиш уйлари кўпайтирилганда айтарли унча кўп маблағ сарфланмайди.

Мисол учун, «Энергетик» пионер лагерини олиб кўрайлик. Бу ерда дам олиш мавсумидан ташқари йил давомида унинг директори, хўжалик бўлимининг мудири ва қоровул маош олиб турадилар. «Орлёнок», «Буревестник», Абдулла Набиев номли пионер лагерлари ходимлари учун ҳам ҳар ойда ўрта ҳисобда 110—120 сўмдан маош тўланади. Борди-ю, бу болалар муассасаларидан дам олиш уйлари ўрнида фойдаланилса бу ҳолга чек қўйилади.

Санаторийлар тармоғини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Очиқ эътироф қилиш керакки, областимизда бундай шифохоналар жуда оз. Бор-йўғи 4 та санаторий ишлаб турганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Уларнинг деярлиқ ҳаммаси шаҳар атрофида жойлашган. Гарчи, кейинги йилларда бир нечта колхоз ва колхозлараро санаторийлар қурилган бўлса ҳам, буни етарли деб бўлмайди. Ваҳоланки, шифобахш даргоҳлар қуриш учун имкониятлар бор. Чунки Ўзбекистон гўзал табиати ва иқлими билан бошқа республикалардан бирмунча ажралиб туради.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, ишлаб турган курортларда иқлими ўрганувчи станциялар йўқлиги ишнинг белига тепаяпти. Шифохоналар жойлашган ерларнинг иқлими даволанувчиларнинг соғлигига тўғри келиш-келмаслиги тўла аниқланмай қолаётир. Шунинг учун ҳам Бош геофизика обсерваторияси иқлим шарситни ҳисобга олиш станцияларини ташкил этиши, иқлим ҳақидаги фанни тобора ривожлантириш учун кенг миқёсда илмий-текшириш ишлари олиб бориши керак.

Меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш масаласига катта эътибор бериш лозим. Бунинг учун касаба союз ташкилотлари, биринчи навбатда область касаба союзлари совети ва касаба союзларининг республика курортлар бошқармаси раҳбарлари мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб, дам олиш уйлари, санаторийлар ва туристик базаларни кўпайтириш тадбирларини кўришлари керак.

А. АЛИЕВ.

СИЕСИЙ МАКТАБЛАР, ТУГАРАКЛАР ВА СЕМИНАРЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ЯНГИ ОДАМНИ ТАРБИЯЛАШ—КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ АМАЛИЙ ВАЗИФАСИ

Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг Сиёсий маориф уйи КПСС Программасини ўрганиш юзасидан олтинчи тема бўйича методик маслаҳатларни ишлаб чиқди. Қуйида биз шу тўғридаги материални босмоқдамиз.

Бу тема бўйича ўтказиладиган машғулотлардан мақсад янги одамнинг вояга етиши, шаклланиши мураккаб процесс эканлигини, коммунистик қурилишнинг таркибий ва ажралмас қисми эканлигини кўрсатиб беришдан иборатдир. Янги одамни тарбиялаш, коммунизм қурувчисининг юксак онглилиги коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш билан, коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Темани ўрганганда қуйидаги масалаларга эътибор бериш керак:

1. Жамиятнинг барча аъзоларида илмий дунёқарашни шакллантириш — биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

2. Меҳнат тарбияси — коммунистик тарбия соҳасидаги бутун ишнинг марказий звеносидир.

3. Совет кишиларини коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш ва уларнинг онгидаги капитализм сарқитларини тугатиш. Коммунистик аҳлоқ кодекси.

4. Партиянинг маориф, фан, маданият ва санъат соҳасидаги вазифалари.

Партия снёсий маорифининг турли звеноларида ушбу темани ўрганишга бағишлаб ўтказиладиган машғулотларнинг сонига қараб пропагандист, янги одамни тарбиялашнинг турли томонлари ўзаро боғланганлиги ва бир-бирига алоқадорлигини назарда тутиб, ўрганилаётган масалаларнинг тартиби ҳақида ўйлаб кўриши керак.

Даставвал, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш — коммунистик жамият қурилишининг асосий вазифаларидан бири эканлигини тушунтириш зарур. Партия Программасида «Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади ва, бинобарин, коммунизм қурилиши вазифалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади» дейилади.

Партиянинг ҳозирги босқичда идеология соҳасидаги иши ҳозирнинг ўзидаёқ келажакнинг ҳар тарафлама ривожланган, коммунистик жамиятнинг маънавий бойлик, аҳлоқий покликни ва жисмоний камолотни ўзида гармоник ҳолда мужассамлаштирган меҳнаткаш кишисини тарбиялашни талаб этади. Партия ҳозирги босқичда идеология ишидаги асосий вазифа барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва аҳлоқининг сарқитларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборат деб ҳисоблайди. Идеология ишининг ҳозирги босқичдаги йўналишлари ана шулардан иборат.

Сўнгра коммунистик қурилишнинг бутун жараёни сингари янги одамни шакллантириш стихияли равишда эмас, балки партия ва унинг ташкилотлари раҳбарлигида амалга оширилишини, бу соҳада партиянинг асосини ташкил этувчи бошланғич партия ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнашини таъкидлаш лозим. Тингловчиларга КПСС Уставидан (VI бўлим, 58-параграф) бошланғич партия ташкилотларининг коммунистик тарбия соҳасидаги асосий вазифаларини, коммунистнинг авангардлик роли ҳақидаги талабни яхшилаб эслатиш ва Уставнинг худди шу бўлимида коммунистик аҳлоқ кодекси ҳамда унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги аҳамияти баён этилганлигига эътиборни жалб этиш керак.

Бироқ, янги одам фақат партия, совет давлати, касаба союзлари, комсомолнинг тарбиявий иши таъсири остидагина эмас, балки жамият ҳаётининг барча укладлари: ишлаб чиқариш усуллари, тақсимот формалари, маиший хизмат кўрсатиш, ижтимоий-сиёсий фаолият, ҳуқуқ нормалари ва суд практикасининг таъсири остида ҳам шакланади.

Пропагандист реакцион буржуа идеологиясини, умри тугаб бораётган капиталистик тузумни бўяб кўрсатишга ва коммунистик жамиятга туҳмат қилиб, уни ғўё кишиларнинг асл манфаатларидан ажралиб қолган деб кўрсатишга уринаётган ҳозирги замон ревизионистларини фош қилиши зарур.

* * *

Жамиятнинг барча аъзоларида илмий дунёқарашни шакллантириш — биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифа деган масалани ўрганишга киришганда пропагандист тингловчиларга социализм ва коммунистик жамият қурилиши шаротида, совет жамиятининг барча меҳнаткашлари онгида философик, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг бир бутун ва мунтазам системаси бўлган марксизм-ленинизм асосида илмий дунёқарашни шакллантириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлишини тушунтириши керак. Чунки социализм ва коммунистик жамият қурилиши шаротида стихияли иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришни ва бутун жамият ҳаётини онгли суратда ташкил қилишга ўз ўрнини бўшатиб беради, назария практикага айланади.

Шу сабабли илмий, марксистик дунёқарашни шакллантириш совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш ва коммунистик идеялар коммунистик ишлар билан узвий боғланишида биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Марксизм-ленинизм классиклари омманинг кўлами ва активлигининг ўсиши жамият ҳаёти шароитларини қайта ташкил этишдан иборат тарихий вазифа кўламининг кенгайиши билан бирга бориши объектив қонуният эканлигини аниқладилар. Коммунизм қурилиши ўзининг кўлами жиҳатидан, ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан ҳозиргача инсоният амалга оширган барча ўзгаришлардан устун туради. Коммунизм ўз вазифаси жиҳатидан ҳар бир кишининг қобилиятини ҳар тарафлама ривожлантириш ва унинг ўсган, оқилона эҳтиёжларини — «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган талабни қондиришга даъват этилган.

Ҳар бир кишининг коммунистик қурилишда актив иштирок этиши зарурати ундан жаҳон тараққиётининг жараёни ва перспективаларини чуқур тушунишини, мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги воқеаларни тўғри тушуна билишни, жамоат бурчига онгли муносабатда бўлишни талаб этади. Илғор дунёқараш антиилмий, идеалистик қарашларга ва тасаввурларга қарши ғоявий курашда, диний ва бизга ёт бўлган буржуа идеологиясининг совет кишилари айрим қисмининг онгидаги сарқитларини узил-кесил йўқотиш учун олиб бориладиган кураш натижасида шаклланади.

Пропагандист илғор дунёқарашни шакллантириш йўллари ва воситаларини кўрсатиб берганида совет жамиятининг ҳаётида юз бераётган янги ҳодисаларни ҳамда жаҳон революцион ишчилар ҳаракати ва озодлик ҳаракатининг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида марксча-ленинча назарияни бундан буён ҳам ривожлантириб боришни, коммунистик қурилиш назарияси билан практикасини ижодий тарзда қўшиб олиб боришни партия бундан кейин ҳам ўзининг биринчи даражали вазифаси деб ҳисоблашини таъкидлаши керак. Ҳаётимизнинг ўзи, социалистик воқелик, совет кишиларининг амалий фаолияти марксчаленинча таълимотнинг буюк ҳаётий кучга эга эканлигини тасдиқламоқда.

* * *

Меҳнат тарбияси — кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги бутун ишнинг марказий звеноси, юраги эканлиги масаласини ёритишни пропагандист инсоннинг меҳнати кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида жамият бойлигининг энг муҳим манбаи бўлганлигини кўрсатишдан бошлаши керак. Жамият бахт-саодати учун меҳнат қилиш — ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Шу билан бирга меҳнатнинг роли, характери ва аҳамияти жиҳатидан, бинобарин, меҳнаткаш кишининг жамиятда тутган ўрни ва роли жиҳатидан социализм ва коммунизмнинг барча антагонистик формациялардан тубли равишда фарқ қилишини кўрсатиш зарур.

Эркин ижодий меҳнат коммунизмни барпо этади, коммунизм эса меҳнатнинг характери ва ролини ўзгартиради, уни виждон, шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айлантиради. Қобилиятига яраша меҳнат қилиш жамият барча аъзоларининг одати, уларнинг ҳар тарафлама ривожланишига ёрдамлашувчи биринчи ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолади.

Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир кишининг ўз турмуши ва фаолияти учун жамиятнинг фаровонлиги учун зарур воситаларни вужудга келтиришда актив иштирок этиши, даставвал, унинг меҳнатида акс этмоги лозим. Коммунистик қурилиш барча муваффақиятларининг манбаи, коммунистик онглиликнинг, коммунизм ишига садоқатнинг кўрсаткичи ана шундадир.

«Коммунизм қуриш учун, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — халқдан, беистисно ҳар бир совет кишисидан зўр куч-ғайрат билан меҳнат қилиш талаб этилади. Меҳнатсиз равнақ топадиган жамият, инсоннинг роҳат-фарағати ва бахт-саодати бўлиши мумкин эмас... Буни ҳар бир меҳнаткаш яхши тушуниб олиши ҳамда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим».

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Ёшлар университети

Тошкент Давлат университети комсомол комитетининг ташаббуси билан шаҳар мактабларининг ўқувчилари учун снёсий ва илмий билимларни тарқатувчи маданият университети ташкил этилди. Университетга шаҳар мактабларининг юқори синф ўқувчиларидан 100 га яқин тингловчи қатнашаяпти.

Университетда «Кабирнетика нима?», «Ҳозирги замон физикасининг тараққиёт йўли», «Ўрта Осиё халқлари санъати», «Бадиий асар тили» ва бошқа темаларда лекциялар ўқилади.

Яқинда биринчи машғулот бўлиб ўтди. Унда университет философия кафедрасининг ўқитувчиси В. П. Никитченконинг «КПСС XXII съезди —янги авлодни тарбиялаш тўғрисида» деган лекцияси тингланди.

А. ҲАМЗАЕВ.

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР

Чет эл мамлакатлари халқлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда илмий ва маданий алоқалар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларининг чет эл олимлари билан алоқалари кейинги йилларда айниқса кенг қулоч ёзди. Ўтган йили академиянинг кўпгина олимлари бирқатор мамлакатларда бўлдилар, халқаро илмий конгрессларда қатнашиб, муҳим проблемаларни ҳал қилишда озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бир группа совет географ олимлари ўтган йили Америкага боришган эди. Улар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрология ва инженерлик геологияси институтининг директори академик Ғ. Мавлонов ҳам бор эди. Олимнинг Ўзбекистоннинг ер ости сувлари ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти хусусида берган ахбороти америкалик геологларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонлик медик олимларнинг илмий-тадқиқотларига ҳам чет элларда қизиқиш катта. Шунинг учун ҳам медикларнинг халқаро конгрессида Ўзбекистонда медицинанинг тараққиёти масалалари кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Ўлка медицинаси экспериментал илмий-текшириш институтининг директори М. Маҳкамов томонидан шу халқаро йиғинда қилинган доклад кўпгина олимларга манзур бўлди. Биология фанлари доктори Е. Тўрақуловнинг «Қалқонсимон безларнинг гармоник биохимияси» номли монографияси Мисрда босилиб чиқди.

Шунингдек, Ўзбекистонлик олимларидан Ф. Русанов, В. Шчеглов ва бошқа ўртоқлар ҳам Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси илм аҳллари билан илмий алоқада бўлиб турибдилар.

Халқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган халқаро проблемаларни ҳал қилишда ўз навбатида чет эллик олимлар ҳам самарали тадқиқотлар олиб боришаяпти. Бу тадқиқотларнинг айримлари республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига оиддир.

Шунингдек, айрим илмий темаларда ҳамкорлик қилинаяпти. Чунончи, ҳиндистонлик шарқшунос олим М. Ашраф республикамизда ижодий командировкада бўлди, Шарқшунослик институтида сақланаётган нодир қўлёзмалар билан танишди. Алкалоидлар ҳосил қилиш методини пухтароқ ўрганиш мақсадида польшалик олим Ю. В. Рубель Тошкентга келди. Олим органик химия соҳасидаги ютуқлар билан танишди.

Чет эллик олимлар Тошкентдаги бир қатор илмий муассасаларда ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Бирлашган Араб республикасидан келган икки ёш илмий ходим Ўзбекистон ССР Фанлар академияси аспирантурасида билим оляпти.

С. НИЗОМБОЕВА.

ЯНГИ ОДАМНИ ТАРБИЯЛАШ — КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ АМАЛИЙ ВАЗИФАСИ

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Бу ўринда корхона, колхоз, совхоз ҳаётидан коммунистик меҳат қарор топаётганлиги жараёнини характерловчи конкрет мисоллар, коммунизмнинг нурафшон биносини қуришга ўз ҳиссасини қўшаётган энг яхши новаторлар, меҳнат қаҳрамонлари ва ишлаб чиқариш илғорлари меҳнатда эришаётган муваффақиятлар ҳақидаги маълумотларни келтириш фойдалидир.

Оммавий меҳнат қаҳрамонлиги — жамиятимиз ҳаётидаги энг характерли кўринишлардан биридир. Совет кишилари Ватан шонушуҳрати йўлида меҳнат қилишни ўзларининг энг муҳим жамоат бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Социалистик жамиятда меҳнатга нотўғри, менсимай муносабатда бўлишни вужудга келтирувчи социал-иқтисодий сабаблар йўқ.

«Ишламаган — тишламайди» — бизнинг энг муҳим принципларимиздан бири ана шу. Совет кишилари текинхўрлик, ялқовлик ва кишиларнинг коммунистик мўлкўлчиликнинг умумий қозонига ўлари қўшиши лозим бўлган шахсий ҳиссага масъулиятсиз қараши ҳоллари билан муроса қилишлари мумкин эмас. Пропагандист ана шундай ҳолларнинг социал, антикоммунистик моҳиятини фош қилиши, уни йўқотиш йўллари ва воситаларини кўрсатиши, бунда жамоатчиликнинг ҳал қилувчи роль ўйнашини алоҳида таъкидлаши керак. Фақат жамоатчиликина ҳар бир текинхўр ва ялқов шахсга нисбатан муросасиздик, унинг меҳатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириштан талаб этиш кайфиятини кун сайин вужудга келтира олиши мумкинлигини уқдириш лозим.

Сўнгра коммунистик меҳнатнинг моҳияти жамият учун ихтиёрий равишда меҳнат қилиш, ишга ижодий муносабатда бўлиш, меҳнаткашлар ўзларининг маданий-техика савияларини ошириш-лари, тинмай олга ҳаракат қилиш, ишлаб чиқаришнинг барча янги резервларини аниқлаш ва ишга солиш, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишнинг янги йўллари ва воситаларини қидириб топишдан иборат эканлигини очиб бериш керак.

Коммунистчасига ишлаш ва яшашни ўрганиш — коммунистик меҳнат коллективлари, бригадалари ва зардбордларнинг ҳаракат принципи ана шунда ўз ифодасини топади.

Биз республикамизда пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Мелиқўзи Умурзоқов, Жавод Кўчиев, Маннон Жалолов, Фикрет Сефиршаев, Шамси Назаров, Насри Пўлатов ва бошқа кўпгина ташаббускор кишилар етишганлиги билан фахрланамиз.

Коммунистик ахлоқнинг «Киши-кишига дўст, ўртоқ, биродар», «Ҳамма бир киши учун ва бир киши ҳамма учун» деган энг муҳим принциплари кундалик ҳаётнинг нормасига айланиб бораётганлигини, кишилар ўртасидаги муносабатларда одат тусига кириб бораётганини жонли мисоллар билан кўрсатиб бериш лозим.

Коммунистчасига ишлаш меҳнаткаш шахсий ҳаётининг бутун укладларини, кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги ўзаро муносабатлари характерини янгидан ўзгартириш, шахсий ва жамият манфаатларининг бирлигини, инсон ҳақида, унинг турмуши ҳақида гамхўрлик қилишни талаб этади, совет кишиларининг онги ва ҳатти-ҳаракатидаги хусусий мулкчилик психологияси ва ахлоқининг сарқитларини йўқотишга ёрдам беради.

* * *

Теманинг совет кишиларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш ва уларнинг онгидаги капитализм сарқитларига барҳам бериш, коммунистик ахлоқ кодекси бўлимини пропагандист коммунизмга ўтиш процессида жамият ҳаётида ахлоқ асосларининг роли тобора ошиб бориши, маънавий факторнинг таъсир доираси кенгайиши ва шунга мувофиқ кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни маъмурий йўл билан тартибга солишнинг аҳамияти камайиб боришидан бошлаши керак.

СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилиши, кўпмиллатли бутун совет халқининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги вужудга келганлиги, унинг хулқида, онгида чуқур ўзгаришлар юз берганлиги туфайли партия ўз тарихида биринчи марта коммунистик ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлди. Жамиятимиз ҳаётини ўзида коммунистик ахлоқ нормаларини маълум система тарзида умумлаштириш ва бирлаштириш — партиянинг жамиятимизнинг социализмдан коммунизмга ўтишини таъминлаш соҳасидаги бош йўлининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланган умумхалқ ахлоқ кодекси тарзида умумлаштириш ва бирлаштириш учун шароит вужудга келди.

Пропагандист коммунизм қурувчилари ахлоқ кодексининг моҳиятини, бу ҳозирча тўла шаклланмаган синфсиз жамият ахлоқ принципларининг йиғиндиси эканлигини, бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик ахлоқнинг пойдевори ва коммунизм учун ахлоқий кураш қуроли барпо этилганлигини тушунтириши керак.

Коммунистик ахлоқ социал зулмга қарши ва ахлоққа хилоф иллатларга қарши кураш ва минг йиллар давомида халқ оммаси томонидан ишлаб чиқилган умуминсоний асосий ахлоқ нормаларини ўз ичига олади.

Машғулотда совет кишиларининг халққа содиқлиги, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилаётганлигига тааллуқли мисоллар келтириш керак. Коммунистик меҳнат ҳаракати қатнашчиларининг ижодий меҳнати ва улар қолоқларга бераётган ёрдам, ёшлар Ватанимизнинг битмас-туганмас табиий бойликларини ишга солиш учун бошлаган ватанпарварлик ҳаракати, жамоатчилик асосларидаги актив фаолиятнинг турли формалари, турли миллатларга мансуб бўлган совет кишиларининг ишлаб чиқариш, маданият, турмуш, Ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги қардошларча дўстлигига тааллуқли мисоллардан коммунистик ахлоқнинг кўринишларини очиб берувчи материал сифатида фойдаланиш керак.

Мисол учун, республикамизда ҳозирги вақтда 16 мингдан ортиқ коллектив коммунистик меҳнат бригадаси, сменаси, участкаси, цехи ва корхонаси деган номни, 300 минг ишчи эса коммунистик меҳнат зарбдори деган номни олиш учун курашмоқда.

Етти корхонага, уч мингдан ортиқ бригада, цех, смена ва участкага, ишлаб чиқаришнинг ўнбир минг зарбдорига ана шу шарафли ном берилди.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллатнинг вакиллари елкама-елка туриб ишламоқдалар ва яшамоқдалар. Улар ўртасидаги ўзаро муносабат интернационал жипслик, ўртоқлик ва қардошларча ҳамкорлик асосларига қурилган.

Теманинг охирги масаласи пропагандист томонидан инсонни ахлоқий тарбиялаш ва ҳар тараффама ривожлантиришда маориф, фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг аҳамияти ва унинг коммунизм моддий базаси ҳамда маданиятини вужудга келтириш ва ривожлантиришдаги роли нуқтаи назаридан тушунтирилади. Бу ерда маориф, фан, маданият, адабиёт ва санъат жамият ҳаётига инсон орқали, унинг фаолияти орқали таъсир қилишини кўрсатиш керак. Коммунизмга ўтиш коммунистик онгли ва юксак тараққий этган, жисмоний меҳнатга ҳам, ақлий меҳнатга ҳам, жамоат ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида, фан ва маданият соҳасида актив фаолият билан ишлашга ҳам қобилиятли кишини тарбиялашни тақозо этади.

Ўзбекистонда, мисол учун, олий ўқув юртларида бир-юз ўттиз уч мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда, 29 олий ўқув юртида 114 мингга яқин студент ўқимоқда.

Партия ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга алоҳида аҳамият бераётганлигини ва бунинг зарурати сабабларини очиб бериш керак. Бу ердаги асосий нарса шундан иборатки, коммунизм қурилиши ёш авлоднинг алоҳида роли билан табиий равишда боғланган. Ёшлар ўзларининг интилишларида, ҳаёт йўлларини излашда ҳаммадан кўпроқ актив, жўшқин ва айни вақтда уларнинг ҳаёт тажрибаси кам. Улар чиройли, ўзига тортувчи парда билан ниқобланган буржуа ва мешчанлик идеологияси ҳамда ахлоқининг таъсирига қаршилик кўрсатишда камроқ барқарордир.

Пропагандист ўз суҳбатини тамомлар экан, тингловчиларда коммунизм қурилишининг бутун даври учун меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг бир бутун ва жанговар программаси сифатидаги партиянинг идеология, тарбия, маориф, фан ва маданият соҳасидаги вазифалари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириши керак.



Аҳмаджон Бўрибоев Оржоникидзе район марказидаги 1-ошхонанинг шефповари бўлиб ишлайди. Ўртоқ Бўрибоев томонидан тайёрланаётган айниқса шолғом котлет ва биточкалар хўрандаларга манзур бўлмоқда. Уста ошпаз шолғомдан тайёрланган таомнинг гўштли овқатдан қолишмаслиги, ҳам мазали, ҳам арзон ва тез ҳазм бўлишлигини гапириб берди. Суратда: Аҳмаджон Бўрибоев навбатдаги таомни тайёрламоқда.

А. Абалян фотоси.

КИНОМЕХАНИКЛАР ЯЙЛОВГА ОТЛАНИШДИ

Маҳмуд Қурбонов — чорва боқиладиган массивлардаги аҳолининг қадрли меҳмони. У яйловда пайдо бўлдими, каттаю-кичик ҳамма мамлакатимиз ҳаётида бўлаётган янги воқеалар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ажойиб кишилари, уларнинг тақдири билан танишади — янгийўллик киномеханик ўзи билан бирга олиб келган кинофильмлар шулар ҳақида ҳикоя қилади.

Маҳмудга районнинг энг яхши киномеханиги деган ном бекорга берилмаган. У ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам узоқ ва оғир йўллар оша яйловма-яйлов юради, у ерларга маданият олиб боради.

Ўтган йили ўртоқ Қурбонов салкам 700 сеансда кинофильм кўрсатди ва юз мингдан ортиқ тамошабинга маданий хизмат қилди.

Мана, баҳор нафаси эса бошлади. Қишлик танаффусдан сўнг киномеханик Маҳмуд Қурбонов яна чорва яйловларига отланаяпти. Яқин кунларда у янги бадиий ҳамда чорвадорлар ҳаётидан олинган оммабоп фильмларни, янги газета ва журналларни чорвадорларга олиб боради.

Калинин ва Чиноз районларининг ишчан киномеханиклари ҳам яйловларга йўл олишди.

М. МАҲМУДОВА.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

ЖИЛОН ЖИЙДА

Совет Иттифоқининг Закавказье ва Ўрта Осиё республикалари ҳамда Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон, Мўғулистон, Эрон каби Шарқ мамлакатларининг тоғлиқ районларида жилон жийда деб аталган мевали дарахтни учратиш мумкин.

Жилон жийданинг меваси ҳам оддий жийдага ўхшайди, айримлари тухум шаклида йирик бўлади. Мева таркибида 20 процентгача, қуритилгани да эса 60—70 процентгача қанд, С. ва Р. витаминлари каби киши организми учун фойдали моддалар бор. Осиё мамлакатларида бу мевадан медицинада ўпка касали, бош оғриги йўтал каби касалликларни даволашда фойдаланилади.

Ўзбекистон шароитида жилон жийда бошқа меваларга нисбатан 1—2 ой кейин, май ва июнь ойи бошларида гуллаб, сентябрь ойидан пиша бошлайди.

Тошкент областининг Бўстонлиқ районидаги тоғ қояларида, денгиз сатҳидан 800—1010 метр баландликда ёввойи жилон жийдалар тўп-тўп бўлиб ўсиб ётади. Шуниси қизиқки, ҳозирги кунда Бўстонлиқ районида ўсаётган жилон жийда мевасининг шакли бир хил эмас. Хўжакент қишлоғи участкаларида ўсаётган дарахтларнинг меваси 4 грамм бўлиб, бўйига 30 миллиметрдир, шакли олхўрини эслатади. Бошқа ерлардагилар эса тоғ олча мевасидек катталикда бўлиб, 2—2,5 граммдан ошмайди.

М. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ЯНГИ ДОРИЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалар химияси институтининг илмий ходимлари ўсимликлардан шифобахш дори-дармонлар тайёрлашда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, ўртоқ Исҳоқ Комилов раҳбарлик қилаётган фармокология ва химия-терапия лабораториясида Ўзбекистон, Қирғизистон ва қисман Тожикистон тоғ ёғирларида ўсадиган бўғригул ўсимлигининг фармокологик хусусияти ўрганилиб, унда винконин алколоиди борлиги аниқланди.

Илгари медицинада қўлланиладиган стрихин алколоиди чет элдан келтирилар эди. Янги кашф этилган винконин алколоидидан стрихин ўрнида фойдаланиш мумкин.

Институт илмий ходимларидан медицина фанлари кандидати М. Султонов, Т. Саидов ва А. Курмуков ўртоқлар кашф этган бу дорилар яқин кунларда медицинада қўлланила бошланади.

У. ЗОКИРОВ.

КУРАШ БОШЛАНДИ

ШАХМАТ

Ўзбекистон XXVII шахмат чемпионатининг биринчи турида ўйналган саккиз партиянинг ҳаммасида ҳам қизғин кураш бўлди.

Эски ҳинд ҳимояси қўлланган мастерликка кандидат Шахзода билан андижонлик ёш биринчи разрядли А. Каримов учрашувда ёш шахматчи дебютни ноқулай ўйнаб анчагина оғир аҳволга тушиб қолди. Тажрибали Шахзода аста-секин ўз позициясини кучайтириб аввал бир сипоҳни, сўнгра ўйинни ютди. Андижонлик мастерликка кандидат Эркин Каримов чигал позицияларда ўзини яхши ҳис этади. Самарқандлик Туманов билан бўлган учрашувда у бир неча пиёдаларини жўрттага ҳимоясиз қолдириб кетди ва қимматли ҳар бир минутдан рационал фойдаланишга тушди: сипоҳларини очиқ линияларга ва қулай пунктларга жойлаштириб марказда қолган рақиб шоҳига кўпгина таҳликалар солабошлади. Бу таҳликалардан қутилиш иложини топишга кўзи етмаган Туманов таслим бўлди. Олмаликлик мастерликка кандидат Надеждин ҳамшаҳари Аъзамовни ютди.

Шеверев (ҚҚАССР) мастерликка кандидат Перевозниковни мағлубиятга учратди. Шомаҳмудов—Малиничев учрашуви дуранг бўлди.

Спорт мастери Грушевский билан М. Ким (Хоразм), мастерликка кандидат Хасидовский билан Раньков (Бухоро) ва Николаев билан Простаков (Фарғона) партиялари беш соатлик курашлардан кейин кечиктирилди. Бунда Грушевский, Раньков ва Простоковларнинг қўли баланд. Иккинчи турда Эркин Каримов Кимни, Надеждин Перевозниковни, А. Каримов Простоковни, Шеверев Лазаревни ютди. Раньков — Грушевский, Малиничев — Хасидовский, Шахзода — Шомаҳмудов, Токарев — Николаев ва Туманов — Аъзамов учрашувлари дуранг бўлди. Икки турдан сўнг иккитадан очко олган Шеверев, Надеждин ва Эркин Каримовлар олдинда бормоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевизор

7 МАРТДА

Рус тилида: 18.30 — **Оналаримизнинг байрами** (кичкинтойлар учун), 18.55 — **Телевизион янгиликлар**, 19.10 — **Н. В. Гоголь асарлари асосида адабий топишмоқ.**

Ўзбек тилида: 19.40 — **Телевизион янгиликлар**, 19.55 — **Ерқин йўл** (адабий-драматик эшиттириш).

Ўзбек ва рус тилида: 20.45 — **Концерт** (Хотин-қизлар, сизлар учун).

8 МАРТДА

Ўзбек тилида: 18.30 — **Байрамингиз муборак, азиз оналар!**, 19.00 — **Телевизион янгиликлар**, 19.15 — **Ёш шоиранларнинг шеърлари.**

Рус тилида: 19.30 — **Азиз дугоналаримизга** (адабий эшиттириш), 20.00 — **Алишер Навоий номли опера ва балет театридан** халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган **концерт** олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида **телевизион янгиликлар.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/III да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/III да **Номус**, 8/III да **Номус** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/III да **Фарғона ҳикояси**, 8/III да **Паранжи сирлари.**

Кино

Она-Ҳиндистон (1 ва 2-серия) «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қирувчилар (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 10 да), **Беш патрон гильзаси** — «МИР» (кундуз 12, 4, кеч 6 ва 8 да).

Дарахтлар улкан пайтда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

У Ватанини ҳимоя қилади — «СПУТНИК (жуфт соатларда).

Мен сени излайман — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 10 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

7, 8, 9, 10, 11-мартда

Я. Д. Бреслер раҳбарлигидаги лўлилар цирк труппаси ва РСФСР да хизмат кўрсатган артист **А. Сиэадо** раҳбарлигидаги дорбозларнинг

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Кеч соат 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Н А В Б А Ҳ О Р

Коннотни яшил либосга
Буркаб келди азиз навбаҳор.
Ҳаво тиниқ, кўмкўк шишадай
Тўлқинланиб оқади Анҳор.

Мисли садаф терилмиш оппоқ
Олча гули бутоқларида,
Ёш келиндай уятчан, сулув,
Кулар менга дудоқларида.

А. Абалян фотоэтюди.

Чет элларда нима гап

„Совет Иттифоқи билан абадий дўстлик учун"

ЛЕЙПЦИГ, 5 март. (ТАСС). Лейпцигда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бошлиқ Совет ҳукумат делегацияси бугун Лейпцигдаги металлургия заводида бўлди. Айни маҳалда заводга Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт, Германия Бирлашган социалистик партияси Лейпциг округ комитетининг секретари Пауль Фрелих ҳамда Германия Демократик Республикасининг бошқа партия ва давлат арбоблари ҳам келдилар.

Завод ишчилари меҳмонларни самимият билан қизғин кутиб олдилар.

А. И. Микоян, В. Ульбрихт ва совет делегациясининг аъзолари корхона цехларини кўздан кечириб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан танишдилар.

Заводда ишчи ва хизматчиларнинг митинги бўлиб ўтди. Шлифовкачи Лангхольд ҳамда социалистик меҳнат бригадаси деган номни олиш учун курашаётган «Айнҳайт» («Бирлик») бригадасининг бошлиғи Ридериш А. И Микоян ҳамда В. Ульбрихтни самимий табрикладилар.

Митинг қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинган А. И. Микоян микрофон ёнига келади. У, Совет ишчиларидан, совет халқидан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР ҳукуматидан ҳамда шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевдан Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфига отаётган салом тошпирди.

Митинг охирида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт нутқ сўзлади.

Пировардида митинг қатнашчилари «Интернационал»ни куйладилар.

КПСС МК ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ҲАММАНИНГ НИГОҲИ МОСКВАГА ҚАРАТИЛГАН

ПРАГА, 5 март. (ТАСС). Чехословакия жамоатчилиги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Москвада очилган Пленумига ғоят қизиқиб қарамоқда.

Энг муҳим партия ва давлат масалаларини муҳокама қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Пленумларини чақириб туриш, деб ёзади «Руде право» газетаси, совет коммунистларининг ва бутун совет халқининг ҳаётида қоида бўлиб қолди. Пленумларда кўриладиган масалаларни улар чақирилиши олдидан муҳокама қилишда меҳнаткашларнинг оммавий суратда иштирок қилаётганлиги бу Пленумларнинг характерли хусусиятидир. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Партия матбуоти саҳифаларида бир ойдан кўпроқ давом этган муҳокамаларда кўпгина муҳим таклифлар илгари сурилди.

□ □ □

ПРАГА, 5 март. (ТАСС). Чехословакияда оммавий газета ҳисобланган «Вечерни Прага» газетасини олиш учун бугун кўп кишининг навбат кутиб турганлигини кўриш мумкин. Газетада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳамда Н. С. Хрушчевнинг Пленумда «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» ҳақида доклад қилгани тўғрисидаги хабар босилган.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг очилгани ҳақидаги хабар бугунги радио эшиттиришларида асосий тема бўлиб қолди. Миллион-миллион кишилар Н. С. Хрушчевнинг доклади ҳақида рус, чех ва словак тилларида Москвадан берилган эшиттиришларни зўр эътибор билан тингладилар.

«ҚОММУНИЗМ — ФАРОВОНЛИК ВА МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЖАМИЯТИДИР»

БУДАПЕШТ, 5 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг бугун Москвада очилган Пленуми Венгрия меҳнаткашларининг диққат марказида турибди. Будапешт радиосининг бугунги сўнгги ахборот эшиттиришлари Пленумнинг иши тўғрисидаги хабарлар билан бошланди. «Эшти хирлап» деган кечки газетанинг биринчи саҳифаси Пленум материаллари билан очилди. Газета Москвадан олинган хабарни «Коммунизм — фаровонлик ва мўл-кўлчилик жамиятидир» деган сарлавҳа билан чиқарди.

ПЛЕНУМ ҲАҚИДАГИ ХАБАР АМЕРИКА ГАЗЕТАЛАРИНИНГ САҲИФАЛАРИДА

ВАШИНГТОН, 5 март. (ТАСС). Вашингтон КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишини зўр эътибор билан кузатмоқда.

Кечки газеталар чиқадиган пайтгача Москвадан Н. С. Хрушчев докладининг баёни батамом бериб бўлинмаган эди. Шуннинг учун кечки газеталар информация агентликларининг Пленум очилиши ҳамда Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик масалаларига бағишлаб, катта доклад билан чиққанлиги ҳақидаги қисқа хабарларинигина босиб чиқарди.

«Стар» газетаси Н. С. Хрушчев Пленумда нутқ сўзлаб турган пайтда олинган фотосуратни биринчи саҳифада босиб чиқарди.

НЕ ВИН БИРМА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ЛОНДОН, 4 март. (ТАСС). Бирма революцион кенгашининг раиси генерал Не Вин бугун Рангунда Бирмадаги асосий сиёсий партияларнинг вакиллари билан учрашди. Учрашувда У Ну аъзо бўлган иттифоқ партиясининг, Халқ озодлиги оппозициячи антифашист иттифоқининг ва Бирма миллий бирлик фронтининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

АҚШ ҒАРБИЙ БЕРЛИНГА ҚЎШИНЛАР ЮБОРМОҚДА

БОННН, 5 март. (ТАСС). Америка қўмондонлиги ўз қўшинларини Хельмштедт ва Ғарбий Берлин ўртасидаги автострада орқали Германия Демократик Республикаси территорияси бўйлаб бир жойдан иккинчи жойга яна кўчираётир.

47-пиёда аскарлар полкининг иккинчи жанговар группаси Германия Федератив Республикасидан Ғарбий Берлинга юборилмоқда. Тиш-тирноғигача қуролланган 1500 га яқин солдат юк автомашиналарида шу маршрутдан ўтказилади. Айни вақтда бугун 19-пиёда аскарлар полкининг жанговар группаси Ғарбий Берлиндан Германия Федератив Республикасига юборила бошлайди. Ана шу жанговар группа ўтган йилнинг декабрь ойида Ғарбий Германиядан Ғарбий Берлинга кўчирилган эди.

ЁШ ТАРЖИМОНЛАР УЧУН

Ўзбекистон журналистлар союзи ҳузуридаги тил ва таржима секциясида ёш таржимон ҳамда редакторлар учун доимий семинар ташкил қилинди.

Семинар машғулотларини республикамизнинг кўзга кўринган таржимон ва муҳаррирлари олиб бормоқдалар. Дастлабки машғулотларда «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриётининг педагогика бўлими мудири Ф. Эргозиевнинг «Таржимага тайёрланиш ва асосий манбалардан фойдаланиш», мазкур секциянинг бошлиғи Знё Аминовнинг «Таржима ва таҳрир қилиш процессида луғатдан фойдаланиш», тажрибали таржимон Толиб Шариповнинг «Автордан қўлёзмаларни қабул қилиб олиш» деган темалардаги суҳбатлари тингланди.

Семинар қатнашчилари машғулотлар вақтида ўзларини қизиқтирган масалаларни мунозаралар асосида ҳал қилиб, айрим таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб олмоқдалар.

Ҳ. ҒУЛОМОВ,
семинар тингловчиси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими—34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор —26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 02093. Напр. Г. — 1543.